ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 11 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

МУЗЕЙ ВА ЖАМИЯТ. ЗАМОНАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Уралова Холида Қўлдошевна
Додоева Дилноза
Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими.
+998913302307

https://doi.org/10.5281/zenodo.24289644

Аннотация. *Мазкур мақолада музей ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг замонавий интеграция жараёнлари ва ушбу жараёнларни ривожлантириш тенденциялари таҳлил қилинади. Шунингдек, музейшунослик нуқтаи назаридан музейларнинг жамият ҳаётидаги ўрни музей ва жамият интеграциясининг янги модели – "рақамли таълимий музей" концепцияси илгари сурилган. Тадқиқот жараёнида музейларнинг таълим, тарбия ва ижтимоий ривожланишдаги роли илмий асосланган.*

Калит сўзлар: *музей, жамият, интеграция, интерактив, тенденция, технология, таълим, тарбия, инновация.*

КИРИШ

Илгари музейлар фақат тарихий ашёларни сақловчи муассаса сифатида қаралган.

Бугунги глобаллашув шароитида жамиятнинг маънавий ва маданий ривожланишида музейлар ижтимоий институт сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Шу боис музей ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва уларни интеграциялаш замонавий илмий тадқиқотларнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, музейлар орқали жамиятнинг маданий онги, тарихий хотираси ва маънавий қадриятлари шаклланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жамият музейни яратади ва ривожлантиради, музейлар эса жамиятнинг маънавий ва маданий ривожига хизмат қилади.

Замонавий интеграция жараёнлари музейларни таълим, маданият ва ижтимоий соҳалар билан уйғунлашувида намоён бўлади. Бу жараёнда рақамлаштириш, интерактив усуллар ва жамоатчилик билан мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Интеграция жараёнларини ривожлантиришда педагогик ёндашувлар, инновацион технологиялар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Музей ва жамият ўртасидаги муносабатлар ўзаро таъсир тамойилига асосланади.

Музейларнинг жамиятдаги ўрнини қуйидаги йўналишларда баҳолаш мумкин:

Таълимий функция

Тарбиявий функция

Ахборот тарқатиш функцияси

Маданий меросни сақлаш

ЗАМОНАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги кунда музейлар қуйидаги соҳалар билан интеграциялашмоқда:

1. Таълим билан интеграция

Музейлар мактаб ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб: амалий дарслар, экскурсиялар, интерактив машғулотлар ташкил этмоқда.

2. Туризм билан интеграция

Музейлар туризмнинг асосий объектларидан бирига айланмоқда.

3. Ахборот технологиялари билан интеграция

Бу энг муҳим йўналиш бўлиб:

виртуал музейлар, онлайн кўргазмалар, QR-кодли экспонатлар жорий этилмоқда.

Рақамлаштириш музей фаолиятини тубдан ўзгартиради: болалар учун электрон каталоглар, сайёҳлар учун алоҳида 3D моделлаштириш, виртуал экскурсиялар.

Тадқиқот натижаларига кўра, рақамли музейлар аудиторияни 2-3 баробар оширади, ёшлар қизиқишини кучайтиради.

ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА ТАҲЛИЛ. Республикамизда музей соҳасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлардан хусусан: музейларни модернизация қилиш, рақамли технологияларни жорий этиш, онлайн платформалар яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу жараёнлар миллий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК *(Муаллиф таклифи)*

Муаллиф сифатида “Рақамли таълимий музей” модели таклифини қуйидагича изоҳлайман: музей + таълим платформаси, онлайн дарслар, виртуал экскурсиялар, интерактив тестлар ва ҳ.к

Бу модель орқали:

✔ таълим сифати ошади.

✔ музейларга қизиқиш кучаяди.

Тадқиқот Таҳлиллари шуни кўрсатадики: анъанавий музейлар етарли эмас замонавий ёндашув талаб қилинади. Шунинг учун: инновация + анъана уйғунлиги муҳим.

Музей ва жамият интеграцияси замонавий даврнинг муҳим талабларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Музейлар тўғрисида”ги Қонуни
2. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси
4. Музейшунослик асослари
5. Педагогика назарияси ва тарихи
6. Замонавий таълим технологиялари бўйича илмий мақолалар